



ИНСОННИ ТАРБИЯЛАМОҚ– КЕЛАЖАКНИ ТАРБИЯЛАМОҚ

Турсунова Саида Исаковна

Термиз давлат университетининг Педагогика
институтини Бошланғич таълим кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6830668>

ARTICLE INFO

Received: 28th June 2022

Accepted: 01st July 2022

Online: 14th July 2022

KEY WORDS

дунёвий билимлар,
ростгўйлик хислати,
енгил атлетика,
Я.А.Коменский, таълим
ва тарбия, Ватанига
содиқ, юмшоқ муомала,
жамиятнинг иши,
келажак масаласи,
миллий тарбия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ёшларни тарбиялаш, уларни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳатти-ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириш, таянч компетенцияларни шакллантириш лозимлиги ҳамда ёшларни ахлоқий тарбиялашда маҳалла, оила, мактаб ва жамоа ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этиши баён этилган.

“Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”, Ш.М.Мирзиёев. Ота-она фарзандга хулқий одоб беришида ёшлигидан унга ростгўйлик, омонатдорлик, ҳақиқатгўйлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳмонни улуғлаш, қўшнига яхшилик қилиш, ўзгаларга яхши муносабатда бўлиш каби сифатларни ўргатишга масъулдир. Бундан ташқари фарзандининг тилини ҳақоратдан, сўкишдан, ҳунук сўзларни ишлатишдан сақлаш лозим. Бугунги кундаги фарзанд тарбияси билан шуғулланувчиларнинг фаолиятини ўрганувчи мутахассислар

фикрига қараганда, кун давомида ота-оналар фарзандига жуда кам вақт ажратишаркан. Ота-оналар 24 соатдан бор-йўғи 2 соатни болаларига сарфлаётган экан, қолгани турмуш ва рўзғор юмушлари, ўша 2 соатни ким қандай сарфламоқда? Хар бир ота-она фарзанди учун елиб-югуриб ҳаракат қилади. Унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга зўр беради. Аммо болаларнинг рухий-маънавий тарбиясига эътибор жуда камайиб кетди, назаримизда. Биргина ростгўйлик хислатини олайлик. Ёлғондан ҳазар қилиш, доим рост гапириш ҳақида болаларга насихат қилиш ўрнига баъзи одамлар болаларни ёшлигидан ёлгонга одатлантираётганига ҳам гувоҳ бўлиб



турибмиз. Агар одамларда Аллохдан қўрқиш, рухий тарбия, ҳуқуқий етуқлик бўлмаса, бу жуда мушкул иш. Бунинг учун болаларни ёшлигидан ана шундай сифатлар ила ўстириш керак. Тарбия бир неча хилга бўлинади: бадан тарбияси, рухий тарбия, ақл ва фикр тарбияси, ахлоқий тарбия, ирода тарбияси, сўзлашув тарбияси, меҳнат тарбияси ва бошқалар. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб, таянч компетенцияларни шакллантириб бориш лозим. Инсон қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, шахс ҳаётида, касбий фаолиятида, ижтимоий муносабатларда муваффақиятли бўлиши учун эгаллаши лозим бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва ҳаётий кўникма ва малакалар мажмуидан иборат.

Буюк ватандошимиз аллома, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино ёш авлод тарбияси қандай бўлиши ҳақида қуйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олганидан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-хунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа, тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга далолат қиламиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли аҳамиятга эга».

Ўғил-қизларининг зеҳни ўсишини, ақл-идрокли, фикрловчи бўлиб улғайишини истаган ота-оналар уларга турли ибратли ҳикояларни ёшлигидан бошлаб Қуръони карим қиссаларидан, пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақида нақл қилувчи турли ривоятлардан, халқ

эртаклари ва дostonларидан, топишмоқлар, мақол ва маталлардан ўқиб бериш, сўзлаш ёки уларнинг ўзларига ўқитиш ҳам шарт. Бу билан болаларнинг зеҳни ўсади, фикри кенгайди, дунёқараши бойийди, хотираси кучаяди, асосийси, бола эшитганларидан ибратланиб, яхши одамларга эргашишга интилади, уларнинг хулқу-одобидан баҳраманд бўлади. Рухий тарбиясини яхшилаш учун яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва одоб каби боқий мавзуларда содда, бола руҳиятига мос суҳбат ва тушунтириш олиб борилади. Жисмоний тарбия бериш учун эса бирор фойдали меҳнатга ёки сузиш, енгил атлетика, стол тенниси, футбол каби спорт машғулотларига ўргатиш, жалб этиш мумкин. Фарзанд улғайиш жараёнида ҳамма нарсани асосан атрофидаги катталардан ўрганади. Улардан ибрат олиб, уларга тақлид қилиб, ҳаётий тажриба орттира боради. Энди ўзингиз қўпол ва бадхулқ бўлсангиз-у, болангизни чиройли хулқли ва одобли қилиб тарбиялайман деб ўйласангиз, хато қиласиз. Агар ўзингиз чексангиз ёки ичсангиз-у, фарзандингизни бу ёмон иллатлардан қайтараман десангиз, умидингиз ва ҳаракатларингиз пучдир. Ўзингиз ёлғон гапирувчи ёки алдоқчи экансиз, болангиздан ростгўйлик ва омонатдорлик кутиб овора бўлманг.

Буюк чех олими, педагог Я.А.Коменский ҳар бир бола тарбия-таълим олиши лозимлигини ўз асарларида келтириб ўтган. Коменский фикрича, тарбиянинг мақсади кишини мангулик дунёсига тайёрлашдан иборат бўлиб, уни ақлий, ахлоқий ва диний тарбия билан амалга ошириш мумкин. У болага самарали педагогик таъсир



кўрсатиш учун ёш хусусиятини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди. Коменский болаларнинг ўқиш ёшини она мактаби (туғилгандан 6 ёшгача), халқ мактаби (6—12 ёш), гимназия (12—18 ёш), академия (18—24 ёш) каби босқичларга бўлади. Коменский жаҳон таълими тарихида биринчи бўлиб таълимнинг синф-дарс тизимини ишлаб чиқди, таълим бериладиган вақтнинг давомийлигини, билим оладиган ўқувчилар сонини, ёшини белгилади. Дарснинг режалаштириш, мақсадга мувофиқ олиб бориш, таълим бериладиган вақтни ўқув йили, чорақлар ҳамда ўқиш кунларига ажратиш йўллари кўрсатди. Таътилар ва уларнинг давомийлиги, кундалик ва йиллик ўқув соатлари микдорини белгилаб берди. Унинг педагогик карашлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу тарихий ахборотларни келтиришдан мақсад буюк алломаларнинг таълим ва тарбияни ўз вақтида олиб бориш тақоза этишини исботлаб берганидир.

Турмуш қурган эр-хотин олдида энг шарафли ва муҳим иш: фарзанд кўриш ва унга келажакда миллатига, ота-онасига, жамиятига манфаат келтирадиган қилиб, муносиб тарбия бериш вазифалари туради. Барчамизга маълумки, бугунги кун ёшлари бизнинг меросхўрларимиз ва келажакда ҳаётнинг барча соҳаларида бошланган катта-кичик ишларимизни давом эттирувчи ўринбосарларимиздир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос табиати ва шарофати бўлганидек, фан ва техника жадал тараққий этиб бораётган асримизда ёшлар тарбияси ҳам алоҳида ўзига хослик касб этади.

Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касб-хунари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам кўпайиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, биринчи навбатда ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчларидан ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз фарзанди яхши инсонбўлишини орзу қилади. Катта бўлгач, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаб, Ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини ният қилади.

Онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни азият берадиган турли нарсалардан сақлаган ҳолда, вақтида озиқлантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, касал бўлишига йўл қўймай, парваришлашда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай, доимо ҳушёр ва хабардор бўлишидир.

Фарзандларга меҳрибонлик, раҳм-шафқат кўрсатинг, улар билан юмшоқ муомалада бўлинг, сабабсиз тергаманг. Тез-тез уларни қучоқлаб, бош-кўзини меҳр билан силаб турунг. Улар билан мунтазам бирга бўлишга ҳаракат қилинг: машғулотлар ўтказинг, ўйинларига аралашиб турунг, ҳазил-мутойиба қилинг, нутқини ўстириш билан шуғулланг. Боласини калтак воситасида тарбия қилишни ўйлаганлар қаттиқ адашади. Чунки фарзанд яхши сўзнинг гадоси, ёмон гапириш, калтаклаш болани оиладан, ота-онадан бездиради, холос. Ўн ёшга етган ўғил ва қиз болалар алоҳида ётқизилади, чунки аксинча ҳолат фитнага сабаб бўлиб қолиши мумкин.



Болаларингизга уларнинг қурби етмайдиган хизмат ва топшириқларни асло бера кўрманг. Салоҳиддин Муҳиддиннинг фарзанд тарбияси борасидаги маслаҳатларини келтираман: «Ёш фарзандларни овқатдан олдин ва кейин қўл ювишга, овқатланишни «Бисмиллоҳ» билан бошлашга, ўнг қўл билан ейишга, еб бўлганидан сўнг Яратганга шукр айтишга одатлантиришингиз лозим. Шунингдек, ўнг қўл билан ёзиш, кийим кийганда ўнгидан бошлаш, уйга ўнг оёқ билан кириш, ҳар бир ишни «Бисмиллоҳ» билан бошлашга ҳам ўргатинг. Болаларга тозаликка риоя қилиш, тирноқларини олиш, кийимларини тоза-пок сақлаш, таҳоратхонага кириш-чиқиш тартибларидан таълим беринг. Ўғил-қизларингизни кўчага ифлос чиқмасликка, ҳовли ташқарисига ва кўчаларга одамларга азият-зарар берадиган ахлат, ифлос нарсаларни ташламасликка ўргатинг. Фарзандларингизнинг кимлар билан дўст ва ҳамсуҳбат бўлишларига эътиборли бўлинг, кўчада сабабсиз, бемақсад туриш ва юришларига, сиздан сўрамай, узоқ вақт бирор машғулот билан шуғулланишларига ёки олис жойга равона бўлишларига рухсат берманг.

Фарзандларни уйда ва кўчадаги таниш-нотаниш одамларга «Ассалому алайкум» деб салом беришга, қўни-қўшниларга яхшилик ва ёрдам кўрсатишга, азият етказмасликка, уйингизга келган меҳмонга ҳурмат кўрсатиш ва хизмат қилишга одатлантиринг.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни

бўлиб ўтган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим ва тарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз борган эди. Мазкур йиғилишда Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида тўхталиб, «Мактаб - бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди», - дея алоҳида таъкидлаган эди. Ҳақиқатдан ҳам, узоқ йиллар давомида тарбия болалар таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юкламага - иккинчи даражали ишга айланиб, паст жараён бўлиб келганлиги ҳамда жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига жавоб бермай қолди. Тарбияда йўл қўйилган хатолар асоратлари кундалик ҳаётда, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиниб, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Айни вақт орадан ойлар, йиллар ўтиб Юртбошимиз кўрсатиб берган, белгилаб берган хариталар ўз мевасини бермоқда. Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълими тизимида тарбияни нимадан бошлаш кераклиги, нималарга эътибор беришлиги, қандай мутахассислар билан иш олиб бориш, кимларнинг ўғитларини ёшларга



ўргатиш ўз изнига тушди. Оила, таълим муассасалари, давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар, ота-оналарда бой миллий тарбиявий меросимиз тўғрисида билимлар шаклланди, ўргатиш орқали миллий фазилатларнинг авлоддан-авлодга безавол ўтиб бориши таъминланмоқда. Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялар мақсадга мувофиқ экан ҳар бир ота-онага бахтли оила бўлишига тилакдошман, фарзандлар тарбиясида донолик биланиш олиб боришини сўраб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2022 йил 10 майдаги № 2/14-14/1-1217-сонли хати асосида «15 май – Халқаро оила куни» муносабати билан 2022 йил 14 май куни Термиз давлат университетининг Педагогика институти Педагогика-психология ва бошланғич таълим факультетида ўқитувчи ва талабалар иштирокида “Оилаларда миллий қадриятларни

мустаҳкамлаш” мавзусида маънавий – маърифий тадбир ташкил этилди. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беъқиёсдир. Маълумки, аجدодларимиз яшаган оилага доир анъана, урф-одатлар халқимиз ўтмишининг ойнасидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” ўзбек хонадони урф-одатларини ёритиб берган асар ҳисобланишини ҳаммамиз биламиз. Ушбу асар қаҳрамонлари образларини Термиз давлат университетининг Педагогика институти талабалари ҳам анъаналарни сақлаб қолиш мақсадида саҳнада ўз маҳоратлари орқали ижро этишди. Ўйлаймизки, оилаларнинг мустаҳкамланишига буюк аллома ва адибларимизнинг ўғитлари катта ўрин эгаллайди. Келажагимиз бўлган ёшларимизга “оила жамият бағрида ташкил топиб бориши ва тараққий этиб боришини” ҳар лаҳзада тушунтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тугрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016, 14 – бет
3. А.Қ. Мунавваров, М.Маъмуров “Япроқ илдизидан қувват олади”. Т.: Ўзбекистон, 1990, 32 - бет
4. Э.Юсупов. “Маънавий камолот омиллари”. Т.: Университет, 1995, 3 - бет
5. А.Фитрат “Раҳбари нажот” асаридан. “Ўзбек педагогикаси антологияси” 2- жилд. Т.: Ўқитувчи, 1999, 56 - бет.
6. Азизова З. Мактабгача катта ёшдаги болаларда кугирчок театри воситасида ахлокий-эстетик сифатларни шакллантириш. - Т.: АДУ, 2010
7. Болажон таянч дастури. ~ Т.: “Sano-standart”, 2010.



8. Умарова М. Болаларда атрофмухитга масъулиятли муносабатни шакллантириш / Метод, кулл. - Т., ТДПУ, 2007.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2022 йил 10 майдаги № 2/14-14/1-1217-сонли хати.
10. Абзаиров.Т.Ю. "Замонавий ёшлар – тарбия ватаълим йўлида". Мақола. Термиз давлат университети педагогика институти рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, Абзаирова Д.Т. Термиз давлат университети магистри. 2021-йил 30-майда chop etilgan. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/KN7VM>, jild. 7 yo'q. 05 (2021): JournalNX, «Zamonaviy yoshlar - ta'lim va tarbiya yo'lida».
11. Абзаиров.Т.Ю., "Ўзбек тилининг ўрганиш тарихидан". Термиз давлат университети Педагогика институти рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, Абзаирова Д.Т. Термиз давлат университети педагогика институти магистри. WEB OF SCIENTIST: XALQARO ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI ISSN: 2776-0979, 3-jild, 2-son, fevral, 2022 <https://wos.academiascience.org>
12. Журавлев В.И. «Педагогика фани ва амалиётининг алоқаси». - М., 1984. - С.109-